

Қарсак чалиш

21:09 / 22.05.2016 4836

Савол: Маросимга келган меҳмонларни ҳурматлаб ёки нотиқнинг сўзларини олқишлаб қарсак чалса бўладими?

Жавоб: Аллоҳ таоло айтади: “Уларнинг (мушрикларнинг) Байтуллоҳ олдида қилган «ибодат»лари фақат ҳуштак ва чапак чалиш бўлди” (Анфол сураси, 35-оят). Ибн Аббос (р.а.) айтадилар: “Қурайш Байтуллоҳни яланғоч ҳолда тавоф қилар ҳамда ҳуштак ва чапак чалишар эди. Бу уларнинг ўйича ибодат ҳисобланарди. Шундан Аллоҳ таолога ҳуштак ва чапак чалиб ибодат қиламан, яқинлашаман деганлар хато қилишади. Қуртубий бунга ишора этиб, ўз тафсирида чапак чалиб рақс тушадиган жоҳил сўфийларни қайтариб шундай дейдилар: “Оқиллар бунга ўхшаганлардан эҳтиёт бўладиган мункар ишдир бу. Ундай қиладиганлар Байтуллоҳ олдида шундай қиладиган мушрикларга ўхшашади”.

Лекин саволда келган чапак ибодат эмасдир. Бу билан эҳтиромга лойиқ инсонни ҳурматлаганларига савоб олиш билан Аллоҳга яқин бўлишни қасд қилмайдилар. Балки бу бошқадан ҳайратланганда изҳор этиладиган урф ва одатдир. Жуда бўлмаганда бошқаларга тақлиддир. Бунда ҳеч қандай шаръий монеълик йўқ.

Аммо масжидларда мушриклар қиладиган иш сурати юзага келмаслиги учун бундай қилмаслик керак. Бунинг ўрнига масалан такбир ёки масжид ҳурматида лойиқ сўзлар билан эҳтиромни изҳор қилиш мақсадга мувофиқ. Пайғамбар (с.а.в.) Нобиға шеър ўқиганда ўз ҳайратларини шундай изҳор қилганлари ҳақида заиф санадла ҳадис ривоят қилинган: “Ғоят гўзал, Эй Абу Лайло. Аллоҳ оғзингни ёпмасин!” (Аллоҳ билувчидир).

Мубашшир АҲМАД тайёрлади